



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJONVILOYATI BULOQBOSHI TUMANI HOKIMINING QARORI

Buloqboshi t, Mirzakalon Ismoiliy ko‘cnasi 6-uy

2022 - yil 14 - yanvar

6-1-20-Q/22

Buloqboshi tuman hokimligi

**Мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг
қишлоқ хўжалик ер турлари ва уларни тақсимланиши бўйича**

2022 йил 1 январ ҳолатига тузилган Ер ҳисоботи ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат Ер кадастри” тўғрисидаги Қонуннинг 10 ва 11-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 389-сонли қарорига асосан тумандаги мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалик ер турлари ва уларни тақсимланиши бўйича 2022 йил 1 январ ҳолатига бўлган ҳисоботини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалик ер турлари ва уларнинг тақсимланиши бўйича 2022 йил 1 январ ҳолатига бўлган ҳисоботи иловада кўрсатилган кўрсаткичлар бўйича тасдиқлансин.

2. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими, Статистика бўлими, Давлат солиқ инспекцияси ҳамда далхдор ташкилотлар томонидан мазкур қарор тасдиқланиши муносабати билан тегишли ҳисоботларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясига:

жорий йил мобайнида амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлардаги самарасиз фойдаланилаётган боғ ва тоқзорлар майдонларини бузиш-экиш ҳисоботларини ҳамда ажратилган ер майдонларини белгиланган тартибда Ер ҳисоботига киритилишини;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан суғориладиган ҳар гектар ердан янада

унумли ва самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан кескин чора-тадбирлар белгилаш, суғориладиган ерлардан самарасиз фойдаланган хўжаликларни аниқлаб, самарали фойдалана биладиган хўжаликларга белгиланган тартиблар асосида амалга оширилишини таъминлансин.

4. Давлат кадастрлари палатаси Андижон вилояти бошқармаси Булоқбоши туман филиали (М.Юлдашев)га 2022 йил давомида ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар мурожаатлари асосида давлат ер кадастрини юритишда (ер участкалари таркибида ва ундан фойдаланишда) юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Темиров зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Buloqboshi tumani hokimi V.V.B



Б. Бувамаатов

Булоқбоши туман ҳокимининг
2022 йил 14 январдаги
6-1-20-Q/22-сон қарорига
1-илова

Туманнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига бўлган ер Ҳ И С О Б О Т И

| САТР | Номи | Ер майдони (га) |
|----------|--|-----------------|
| 1 | 2 | |
| 1 | А).Қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли | 14513 |
| 2 | “Ўзмевасабзавотузумсаноат” холдинг компаниясига қарашлиси | |
| 3 | “Ўзгўштсусаноат” акциядорлик уюшмасига қарашлиси | |
| 4 | Вилоятга қарашли | 14513 |
| 5 | Б).Бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга қарашли ерлар | 324 |
| 6 | В).Қишлоқ хўжалик илмий-текширув муассасаларига ва ўқув юртлари | |
| 7 | Г).Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги корхоналари | 7 |
| 11 | Д).Хусусийлаштирилган фермалар | |
| 12 | (А,Б,В,Г,Д). Жами қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларининг фойдаланиладиган ерлари | 14845 |
| | Шу жумладан: ижарадаги фермер хўжаликлари | 8706 |
| | Ижарадаги фермалар | |
| 15 | Аҳоли яшаш жойлари(шаҳар ва шаҳар туридаги қишлоқлар) | 130 |
| 18 | Саноат транспорт, муҳофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар | 837 |
| 22 | Табиатни муҳофазаси, соғломлаштириш рекреацион ва тарихий маданий аҳамиятга эга ерлар | 43 |
| 23 | Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар | |
| 24 | Ўрмон фонди ерлари | 425 |
| 28 | Гидротехник ва бошқа сув хўжалик иншоотлари учун ажратилган ҳамда канал бўйидаги ерлар | 338 |
| 29 | Захира ерлар | 2278 |
| 30 | Жами ерлар(12,15,18,22,23,24,28,29 сатрлар) | 18896 |
| | Шундан экин ерлар | 7038 |
| | Кўп йиллик дарахтлар | 1539 |
| | Бўз ерлар | |
| | Яйловлар | 950 |
| | Қишлоқ хўжалик ер турларининг жами | 9528 |
| | Гоморқа ерлари | 2390 |
| | Боғдорчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари | |
| | Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар | 7 |
| | Жами ўрмонзорлар | 242 |
| | Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар | 6729 |
| 31 | Туманни маъмурий чегарасидан ташқарисидаги ерлар | 740 |
| 33 | Туман маъмурий чегарасидаги ерлар | 18896 |